

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА
МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ**

ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ



ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

ФАН ДАСТУРИ

Билимсоҳаси: 300 000 - Ишлаб чиқариш-техник соҳа

100 000 - Гуманитар соҳа

200 000 – Ижтимоий соҳа

Таълимсоҳаси: 310 000 - Муҳандислик иши

140 000 - Табиий фанлар

230 000- Иктисад

Таълим йўналишлар: Барча таълим йўналишлари учун

| | | | | |
|------------------------------------|--|--------------------------------------|-------------------------------|-------------------------------------|
| Фан/модуль коди GEO405 | Ўқув йили 2023-2024 | Семестр 8 | ECTS - Кредитлар 2 | |
| Фан/модуль тури Мажбурий | | Таълим тили Ўзбек/Рус | | Ҳафтадаги дарс соатлари 2 |
| 1. | Фаннинг номи | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустакил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
| | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | 32 | 28 | 60 |
| 2. | I. Фаннинг мазмуни <p>«Ҳаёт фаолият хавфсизлиги» фанининг мақсади талабаларга гидрогеология ва муҳандислик геологияси, геологик тасвирлаш, фойдали қазилма конларини излаш ва қидириш ҳамда нефть ва газ геологияси таълим йўналишлари бўйича олган назарий билимлари, амалий кўникмаларига таяниб соҳада бўлиши мумкин бўлган ножӯя техноген, табиий ва антропоген омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсиридан инсонларни муҳофазаланиш чора-тадбирлар тўғрисидаги билимларни шакллантиришдан иборатdir.</p> <p>Фаннинг вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> -талабаларни инсонларнинг яшаш ва меҳнат қилиш шароитларига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг хавфлилик даражаси бўйича миқдорий жихатдан баҳолаш усуллари билан таништириш; -талабаларга у ёки бу ножӯя омилларнинг инсонларга салбий таъсиридан огоҳлантириш ва ҳимоя қилишга ўргатиш; -хавфли ва зарарли омилларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш хақида талабаларга тушунчалар бериш; -инсонларга муносиб яшаш ва меҳнат қилиш шароитларини яратиб бериш борасидаги билимларини чукурлаштиришдан иборат. <p>II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)</p> <p>II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:</p> <p>1 – мавзу. Кириш. «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанининг аҳамияти, мақсад ва вазифалари. Фаннинг бошқа геологик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги</p> <p>2 – мавзу. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашни хуқуқий меъёрий ва ташкилий асослари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича Республика миқёсида амалда қўлланилаётган қонун хужжатларининг аҳамияти. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ташкилий тузилмаси. Муносиб ҳаёт ва меҳнатни таъминлашга қаратилган хуқуқий-меъёрий хужжатлар.</p> <p>3 – мавзу. Геология корхоналарида санитария ва гигиена асослари.</p> | | | |

Иш жойларида микроқлим меъёрлари, метеорологик шароитлар, ҳавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг салбий таъсирилардан химоялаш. Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

4 – мавзу. Иш жойларида шамоллатиш қурилмаларидан фойдаланиш ва уларнинг аҳамияти.

Иш жойларини ёритилиши. Табиий ва сунъий ёритилганлик. Ёритилиш меъёрлари. Иш жойларида титраш ва шовқин, уларнинг манбалари, меъёрлари ва камайтириш чоралари. Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

5 – мавзу. Геологияда электр ва ёнғин хавфсизлиги асослари.

Техник тизимлардан шикастланиш ва уни камайтириш чоралари. ионланувчи нурлар ва улардан химояланиш. Электрмагнит нурланиш ва улардан химояланиш йўллари. Геологияда ёнғин хавфсизлиги. Ёнғинни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар. Босим остида ишлайдиган идишларни ишлатишда портлаш хавфсизликни таъминлаш. Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

6 – мавзу. Бурғи қудуқлари қазиш вақтида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш.

Нефть ва газ конлари, ер ости сувларини қидириш мақсадида бурғиланадиган бурғу қудуқларида ишлаш қоидалари. Бурғи қудуқларида ишлаш йўриқномалари. Бурғиловчиларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш. Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

7 – мавзу. Тоғ лахмлари ўтиш ва уларни хужжатлаш вақтида хавфсизлик техникаси қоидалари.

Канавалар, шурфлар, штолнялар каби мураккаб тоғ лахмларини қазиш, хужжатлаш ва намуналаш вақтида хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш. Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

8-мавзу. Дала шароитида хавфсизлик техникаси.

Дала геологик ишларни – геологик суръатга олиш, хариталаш, геологик кесмаларни тузиш ва улардан намуналар олиш вақтида хавфсиз меҳнат шароитларини ташкил этиш. Талабаларнинг дала – ўқув амалиётини ўтиш даврида хавфсизлик техникаси қоидалари. Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

III. Амалий машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуийдаги мавзулар тавсия этилади:

1. Табиий шамоллатиш қурилмаларини ҳисоблашга оид масалалар ечими.
2. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги заарли ва захарли моддаларнинг миқдорини меъёрлаш. Механик ҳаво алмаштиришни ҳисоблаш
3. Сунъий ёритишга оид масалалар ечими.
4. Ерга улашни ҳисоблаш бўйича масалалар ечими
5. Ишлаб чиқариш жойларида титрашни ҳисоблаш.
6. Автоматик ёнғиндан дарак берувчи қурилмаларини ҳисоблаш
7. Ишлаб чиқариш жойларида шовқинни ҳисоблаш.

8. Ишлаб чиқариш корхоналарида заарли чангларни аниқлаш.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурухга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар кўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. «ҲФҲ» предметининг пайдо бўлиши ривожланиш тарихи.
2. Ўзбекистон Республикасида “ҲФҲ” фанига берилаётган эътибор
3. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг хуқуқий ва ташкилий асослари
4. Геологик объектларида санитария ва меҳнат гигиенаси, унинг аҳамияти
5. Метеорологик шаритларни инсон организмига таъсири
6. Санитар химоя худудлари ва унинг аҳамияти
7. Геологияда шовқин ва тебранишлар.
8. Ер ости иншоотларида шамоллатиш қурилмалари ва унинг аҳамияти.
9. Заарли моддаларнинг таъсириининг назарий асослари
10. Электр токидан жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш
11. Табиий-геологик шароитида ишлаш ва яшашда ёнфинни олдини олиш чора-тадбирлари;
12. Геологик шароитда ва яшаш муҳитида юз берадиган баҳтсиз ҳодисаларда биринчи тиббий ёрдам бериш;
13. Геологияда электр қурилмаларини месъёрий ва авариявий химоя воситалари, кичик кучланишларни кўллаш.
14. Геологияда техноген ва табиий фавқулотда вазиятлар ва уларнинг олдини олиш йўллари;
15. Геологик ишларни олиб бориш учун вақтинчалик яшаш жойи танлашда хавфсизлик техникаси қоидалари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

3. V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)

Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:

Геология соҳасида, жамиятда ва табиатда юзага келиши мумкин бўлган кўпгина салбий омилларнинг асосий бош сабабчиси анропоген фаолият эканлиги, ушбу муаммоларни ечиш учун инсоният техносферани мукаммалаштириб, одамларга ва табиатга салбий таъсирини йўл қўйиладиган даражагача пасайтириши лозимлиги **ҳақида масаввурга эга бўлиши.**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қонунчилигига риоя қилиш бўйича техник ҳодимларнинг жавобгарлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг молиявий асослаои, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини бошқариш, хафсизликни

| | |
|----|---|
| | <p>таъминловчи қонунлар, меёрий-техникавий хужжатлар, меҳнатни муҳофазалашни бошқариш, идоравий назорат органлари ва уларнинг вазифаларини <i>билиши ва улардан фойдалана олиши</i>.</p> <p>Талаба геология соҳасида жамоа ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдалана олиш, ишлаб чиқаришда содир бўлиши мумкин бўлган баҳтсиз ходисаларни бартараф этиш, шикастланганларга бирламчи ёрдам <i>кўрсатиш кўнигмаларига эга бўлиши керак</i>.</p> |
| 4. | <p>VI. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маъruzалар; • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гурухларда ишлаш; • тақдимотларни қилиш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар. |
| 5. | <p>VII. Кредитларни олиш учун талаблар:</p> <p>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.</p> |
| 6. | <p>Асосий адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Lee Neil. This book will save your live. NY.Preprint.2016 j. 2. Мухамедгалиев Б.А. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанидан ўкув-услубий мажмуя. Т.ТАҚИ,2016 3. Йўлдошев О.Р. ва бошқалар. Мехнатни муҳофаза қилиш. Т. Мехнат, 2015. 4. Ёрматов Г.Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Т.2005 5. Микрюков В.С. "Безопасность жизнедеятельности" , "Феникс" , Москва 2016 год. 6. Справочник Безопасность производственных процессов. Под ред. Муравя И.П , М. 2014 г. 7. Чиниқулов Х., Султонов П.С., Абдуваҳобов А. Геология бўйича дала-ўкув амалиёти ва хавфсизлик техникаси қоидалари. Тошкент, "Мумтоз сўз" нашрёти, 2020. 255б. <p>Кўшимча адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига багишлиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11. |

| | |
|----|--|
| | <p>7. Ўзбекистон Республикаси Конститусияси.-Т:2014 йил, -46 бет.</p> <p>8. Ўзбекистон Республикасининг 6 май 1993 йилдаги «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонуни.</p> <p>9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларсни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 1997 й. 6 июндаги № 286 – сон Қарори.</p> <p>Ахборот манбаалари</p> <ul style="list-style-type: none"> 10. www.ziyo.edu.uz 11. www.mintrud.uz 12. www.standart.uz 13. www.sanoatktn.uz 14. www.energonazorat.uz 15. www.environment.com |
| 7. | <p>Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил “29” 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил “29” 08 даги 452 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p> |
| 8. | <p>Фан/модуль учун маъсулар:</p> <p>П.С. Султонов – Геология фанлари Университети, Нефть ва газ конлари геологияси факультети декани профессор, геология-менарапология фанлари доктори</p> |
| 9. | <p>Тақризчилар:</p> <p>Л.П. Шарафутдинова – Геология фанлари Университети магистратура бўлими бошлиғи, Геология-Менарапология фанлари номзоди</p> <p>Ғ.Г. Джалилов – ЎзМУ Геология кафедраси доценти, Геология-Менарапология фанлари номзоди</p> |